

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ БОТУ БАБИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ТИЗИМИДА ПРЕЗИДЕНТ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
МУНОСАБАТЛАРИ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Алимов Боту Бабинович

Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти тизимида Президент ва
Вазирлар Маҳкамасининг муносабатлари.....3

Алимов Боту Бабинович

Взаимоотношения Президента и Кабинета Министров в системе
государственной власти Республики Узбекистан.....27

Alimov Botu Babirovich

Mutual relations of the President and the Cabinet of Ministers in the system of state
authority of the Republic of Uzbekistan.....51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Үн.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ БОТУ БАБИРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ
ТИЗИМИДА ПРЕЗИДЕНТ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
МУНОСАБАТЛАРИ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Yu1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmij-kengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хусанов Озод Тиллабаевич юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна юридик фанлар доктори, профессор Раҳимов Абдуманноб Қўзиевич юридик фанлар номзоди
Етакчи ташкилот:	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___:___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-60-80; факс: (998971) 232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.Р. Маликова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ю.ф.д., доцент

Г.С. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, ю.ф.д., доцент

И.А. Хамедов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ю.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий ифодасини кенгайтириш, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини самарали амалга ошириш жараёнида давлат бошлиғи – президент ҳамда ижро ҳокимияти олий коллегиял органи – ҳукумат ўртасидаги конституциявий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш ва самарадорлигини янада юксалтириш ҳамда улар ўртасида ваколатлар тақсимланишининг барқарор мутаносиблигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Зотан, мазкур субъектлар ўртасидаги муносабатлар давлат механизмининг узлуксиз ҳаракатини таъминловчи барқарор воситалардан бири бўлиб, давлат бошқарувининг самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президент ва ижро ҳокимияти ўзаро муносабатларини ривожлантириш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Ўтиш даврининг мураккаб шароитлари давлат бошлиғи ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ташкил этилиши, Президентнинг ижро ҳокимияти бошлиғи ва Ҳукумат Раиси мақомига эга бўлишини тақозо этган бўлса, Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши, Ҳукумат фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш ҳамда унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгарликнинг Бош вазир зиммасига юклатилиши, Конституциянинг 89-моддасидан «ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир», деган норманинг чиқарилиши, давлат бошлиғининг ижро ҳокимияти соҳасидаги айрим ваколатларини босқичма-босқич Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазирга ўтказилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувида шу кунгача эришилган муваффақиятларнинг гарови бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида бугунги кунда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Демократик мамлакатларнинг давлатчиликни шакллантириш тажрибасида ҳокимият тизимида президент ва ҳукуматнинг ўрни ҳамда ролини аниқлаштириш, ҳукумат таркибини шакллантириш ва унинг истеъфоси жараёнида президент иштирокининг ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш, ижро ҳокимиятини амалга оширишда давлат бошлиғининг ҳукумат, ҳукумат раҳбари ва ижро ҳокимияти органлари билан муносабатларини оптималлаштириш, ҳукуматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида президент иштироки ва таъсирининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шу билан бирга, давлат бошлиғи ҳуқуқий мақомини ривожлантириш, президент ва ҳукумат ўртасида ваколатлар ҳамда функционал вазифаларни мутаносиб тақсимлаш асосида ҳукуматнинг мавқеи ва

мустақиллигини кенгайтириш билан боғлиқ илмий-назарий ва амалий муаммоларнинг ечимини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги (1993), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги (2003), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги (2003), «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги (2003) Қонунлари, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2007) Конституциявий Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2003), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти (2005), шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини макур диссертация тадқиқоти муайян даражада таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзусининг у ёки бу жиҳатлари, хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий масалалари, Ўзбекистонда президентлик институтининг таъсис этилиши ва ривожланиши, Президентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва давлат ҳокимиятидаги ўрни, Вазирлар Маҳкамаси ва ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми ва ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни, уларнинг функциялари ва фаолият доираси каби масалалар Азизхўжаев А., Ахмедшаева М., Миракулов М., Аббосхўжаев Ш., Рахмонов А., Хамедов И., Ҳусанов О., Болтаев А., Хошимхонов А., Маликова Г., Каспаров Э., Воҳидов З., Исламходжаев Х., Одилқориев Х., Рахимов Ф., Адилходжаева С., Алимов Г., Бойдадаев М., Исломов З.¹ ва бошқа ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

¹ Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 512 Б.; Ахмедшаева М.А. Давлат ҳокимият тизимида ижро ҳокимияти. Юрид. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2010. – 354 Б.; Миракулов М.М. Давлат ҳокимияти тизимида Президентлик институти: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012. – 168 Б.; Миракулов М.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил). Юрид. фан. докт. ... дисс. Автореф. – Тошкент, 2016. – 73 Б.; Аббосхўжаев Ш.А. Демократик давлат қуриш шароитида президентлик институтининг ҳуқуқий асослари. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 163 Б.; Рахмонов А.Э. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 185 Б.; Хамедов И.А. Организационно-правовые проблемы совершенствования системы государственного управления в Республике Узбекистан. Дисс. ... докт. юрид. наук. – Ташкент., 2004. – 343 С.; Ҳусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. – Т: Шарқ, 1996. – 80 Б.; Ҳусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. – Т.: Адолат, 2013. – 452 Б.; Балтаев А.Р. Институт Президентства в Республике Узбекистан. – Т.: Академия МВД, 1996. – 75 С.; Хошимхонов А.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 164 Б.; Маликова Г.Р. Конституционный процесс развития государства и права // ТДЮИ Ахборотномаси, 2010. - №6. – С. 55-59.; Маликова Г. Ҳокимият тақсимланиши назариясини ривожлантиришнинг айрим масалалари // ТДЮИ

Якин ва узоқ хориж мамлакатлари ҳуқуқшунос олимларидан Авакьян С., Арутюнян А., Ардан Ф., Ашаев Д., Белл Ж., Байрон С., Бонвеччи А., Бобылёва К., Бейли Х., Вилсон Ж., Виттакер С., Гаджи-Заде Э., Дайлулио Ж., Дегтев Г., Жакке Ж.-П., Кери Ж., Марино И., Маклаков В., Окуньков Л., Праймак Д., Скартассини С., Суворов В., Симонашвили Л., Топоркова М., Филиппов И., Черкасов А., Чиркин В., Шеян А., Шафритц Г., Шугарт М.¹ ва бошқаларнинг илмий ишларида президент ва ҳукумат институтларининг фаолияти, ваколатлари ва функциялари, давлат бошлиғининг ижро ҳокимиятидаги ўрни ва роли, улар ўртасида у ёки бу соҳада юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Ахборотномаси, 2012. - №6. - Б. 16-19.; Каспаров Э.Р. Конституционные основы государственного управления Республики Узбекистан: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1999. – 174 С.; Вохидов З. Ўзбекистон Республикасида ҳокимият бўлинишининг амалий ифодаси. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 158 Б.; Исламходжаев Х. Ўзбекистонда президентлик институтининг ривожланиши. «Давлат ва ҳуқуқнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮУ, 2015. – Б. 80-85; Одилқориев Х.Т. Президент фармонларининг ҳуқуқий табиати // Ҳаёт ва қонун, 1994. - №4. – Б. 13-19.; Рахимов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг назарий-амалий муаммолари. Юрид. фан. докт. ... дисс. – Тошкент., 2001. – 262 Б.; Адилходжаева С.М. Эволюция политико-правовых идей либерализма, проблемы их реализации на современном этапе: вопросы теории и практики. Дисс. ... докт. юрид. наук. – Ташкент., 2003. – 293 С.; Алимов Г.А. Теоретические проблемы совершенствования статуса и деятельности органов государственной власти в Республике Узбекистан. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 1997. – 137 С.; Бойдадаев М. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қурилиши ва бошқарув тизимининг шаклланиши ҳамда такомиллашувининг ҳуқуқий асослари. Юрид. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2001. – 271 Б.; Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 264 Б.

¹ Авакьян С.А. Президент Российской Федерации: эволюция конституционно-правового статуса // Вестник Московского университета, 1998. - №1. – С. 8-40.; Арутюнян А. Институт президента в постсоветских республиках: конституция и политическая реальность (сравнительно-правовой анализ). – Ереван: Петакан цараятюн, 2006. – 151 С.; Ардан Ф. Франция: государственная система: Пер. с франц. – М.: Юрид. лит., 1994. – 167 С.; Ашаев Д.С. Роль Президента и Правительства Российской Федерации в осуществлении исполнительной власти. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2003. – 176 С.; John Bell, Sophie Bayron, Simon Whittaker. Principles of French Law. – Oxford, 2008. – 616 P.; Bonvecchi A., Scartascini C. The Presidency and the Executive Branch in Latin America: What We Know and What We Need to Know. – IDB, 2011. – 71 P.; Бобылёва К.Н. Полномочия Президента Российской Федерации в сфере исполнительной власти. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2007. – 187 С.; Bailey H., Shafritz G. The American Presidency: Historical and Contemporary Perspectives. – Chicago, 1988. – 451 P.; Wilson J.Q., Dilulio J.J.Jr. American Government: Institutions and Politics. – Lexington, 1995. – P. 360.; Гаджи-Заде Э.А. Конституционные модели формы правления и институт президентства в странах СНГ. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Волгоград, 2005. – 228 С.; Дегтев Г.В. Институт президентства в Российской Федерации: особенности правового статуса и компетенция, проблемы совершенствования. Дисс. ... докт. юрид. наук. – Москва, 2005. – 351 С.; Жакке Ж.-П. Конституционное право и политические институты. – М.: Юрист, 2002. – 365 С.; Марино И. Сравнительно-правовой анализ конституционно-правовых отношений президента с иными высшими органами государственной власти (опыт России, Италии, США и Франции). Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2005. – 181 С.; Маклаков В.В. Конституции зарубежных государств. – М.: Инфотропик Медиа, 2012. – 640 С.; Окуньков Л.А. Президент Российской Федерации. Конституция и политическая практика. – М.: Инфра М-Норма, 1996. – 240 С.; Праймак Д.Ю. Конституционно-правовой статус Председателя Правительства Российской Федерации. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2008. – 178 С.; Суворов В.Н. Конституционный статус Президента Российской Федерации. Дисс. ... докт. юрид. наук. – Москва, 2000. – 500 С.; Симонашвили Л.Р. Форма правления: история и современность. – М.: Флинт, 2007. – 280 С.; Топоркова М.К. Конституционно-правовой статус членов Правительства Российской Федерации. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2004. – 148 С.; Филиппов И.В. Роль Президента в обеспечении разделения и взаимодействия властей в Российской Федерации. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2002. – 211 С.; Черкасов А.И. Глава государства и правительство в странах современного мира: конституционно-правовое регулирование и практика. – М.: Экзамен, 2006. – 224 С.; Чиркин В.Е. Глава государства. Сравнительно-правовое исследование. – М.: Норма Инфра-М, 2010. – 240 С.; Шеян А.Н. Институт правительственной ответственности в России. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2007. – 177 С.; M.Shugart, J.Carey. Presidents and Assemblies: Constitutional Design and Electoral Dynamics. – Cambridge, 1992. – 332 P.

Тадқиқот Тошкент давлат юридик университетининг 2012-2016 йилларга мўлжалланган Ф1-ФҚ-0-12602 Ф1-058 рақамли «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

мустақилликка эришиш шароитида Президент лавозими таъсис этилишининг зарурати, шарт-шароитлар ва унинг давлат механизмини ислох қилиш жараёнига таъсири, давлат ҳокимияти тизимида Ҳукумат институтининг қайта тузилиши ва фаолиятининг такомиллаштирилиши узвийликда таҳлил этиш;

амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг Президент ва Вазирлар Маҳкамаси конституциявий-ҳуқуқий мақомига таъсири, хусусан, давлат бошлиғи мақомининг такомиллашуви, Ҳукумат ваколатлари ва масъулиятининг кенгайтирилиши ёритиб бериш;

Президентнинг ижро ҳокимиятидаги ўрни ва Ҳукумат билан муносабатларининг умумий конституциявий-ҳуқуқий жиҳатларини очиқ бериш;

Президентнинг Бош вазирни тасдиқлаш жараёнида ҳамда Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириш жараёнидаги иштирокини тадқиқ этиш ва ушбу соҳадаги қонунчиликни мукамаллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси истеъфосига оид конституциявий-ҳуқуқий муносабатлардаги ролини ўрганиш ва бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларни илгари суриш;

ижро ҳокимиятини амалга оширишда Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси фаолиятидаги иштирокига оид конституциявий-ҳуқуқий муносабатларини тадқиқ этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида Президент ва Бош вазир муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш ва уларни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсияларни илгари суриш;

ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро муносабатларини тадқиқ этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси ўртасида юзага келувчи конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, мазкур муносабатлар билан боғлиқ масалалар юзасидан хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар, ғоя ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида давлат-ҳуқуқий фанлар учун умумий бўлган, жумладан билишнинг диалектик усули, таҳлил қилиш, умумлаштириш, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик, тизимли-тузилмавий, тизимли-функционал таҳлил ҳамда формал-юримдик ўрганиш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бош вазир лавозимига номзод томонидан парламентда унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда тақдим этиладиган Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида эшитилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклиф асосланган;

Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишининг тартиби ва муддатини қонунчиликда белгилаш лозимлиги тўғрисида таклиф асослаб берилган;

Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисида Олий Мажлис палаталари ўзларининг мажлисларида тегишли қарорларни қабул қилишлари мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклиф асосланган;

Бош вазир номзоди тўғрисидаги таклиф парламент сайловида энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан сайлов яқунлари матбуотда эълон қилинганидан сўнг аниқ муддат оралиғида Президентга тақдим этилиши кераклиги юзасидан таклиф асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда Президент иштирокининг ривожлантириш ва Олий Мажлис палаталари ҳамда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш юзасидан таклиф ишлаб чиқилган;

Ҳукумат истеъфосининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш, мазкур жараёнда давлат бошлиғи иштирокининг ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар илгари суриган;

ижро ҳокимиятини амалга оширишда Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси фаолиятидаги иштироки ва Бош вазир билан муносабатларининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида Президент ва Ҳукумат муносабатларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид 250 дан ортиқ адабиёт ва манбалардан фойдаланилган. Тадқиқот ишида фойдаланилган қонун ҳужжатлари ва адабиётлар расмий манбалардан олинган ҳамда улар диссертацияда тегишли тартибда ҳавола қилинган. Илмий тадқиқот ишининг яқуни бўйича назарий хулосалар ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар давлат-ҳуқуқий фанларда мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар, шунингдек, давлат ҳокимияти тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатларига оид қонун ҳужжатлари, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва тажрибасини

қиёсий таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётда жорий қилинганлиги ва бу ваколатли идоралар томонидан тегишли тартибда тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Давлат ҳокимияти тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатларининг комплекс илмий тадқиқоти натижасида олинган хулосалар ва тушунчалар давлат-ҳуқуқий фанларнинг илмий-назарий асослари ривожланишига қулай замин яратиб, улардан «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Давлат ва ҳуқуқ тарихи», «Конституциявий ҳуқуқ», «Маъмурий ҳуқуқ» ва «Қонунчилик техникаси» каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий хулосалар, хусусан, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши тадқиқот объектининг ҳуқуқий асослари янада мукамаллаштириши, давлат бошлиғи ва ижро ҳокимияти олий органи фаолияти ва ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожланиши ҳамда оптималлаштиришига қулай замин яратиши билан амалий аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бош вазир номзоди томонидан тақдим этиладиган Вазирлар Маҳкамаси ҳаракат дастурининг «*Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида*» эшитилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси бешинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 25 майдаги 06-20/264-сон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги 06/1-05/692-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф Бош вазирни тасдиқлаш жараёнини тартибга солувчи қонунчилик нормалари ўзаро мувофиқлигининг таъминланиши ва Ҳукуматни шакллантириш жараёнининг такомиллаштиришига хизмат қилди;

Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш институтининг батафсил тартиб-таомилларини қонунчиликда белгилаш лозимлиги тўғрисидаги таклиф «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси ўн учинчи ва ўн тўртинчи қисмларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 25 майдаги 06-20/264-сон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги 06/1-05/692-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф Ҳукуматнинг олий вакиллик органи олдидаги жавобгарлиги ҳуқуқий механизмларининг мукамаллаштиришига хизмат қилди;

Парламент сайловида ғолиб чиққан сиёсий партия томонидан Бош вазир номзоди «Қонунчилик палатасига сайловлар якунлари тўғрисидаги ахбороти ва сайланган депутатлар рўйхати матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан икки ҳафталик муддатдан кечиктирмай» тақдим этилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 4-моддаси учинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 25 майдаги 06-20/264-сон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги 06/1-05/692-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф Бош вазирни тасдиқлаш жараёнида сиёсий партияларнинг иштироки билан боғлиқ жараёнларнинг батафсил тартиби ва муддатларининг мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография (ҳаммуаллифликда) ва ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 10 та мақола (9 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий тадқиқот иши кириш, 6 параграфдан иборат бўлган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 147 бетни (адабиётлар ва иловаларсиз)ташқил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Ўзбекистон Республикасида олий ижро ҳокимияти тизимининг шаклланиши ва ривожланиши» деб номланиб, унда президентлик институти таъсис этилишининг зарурати ва унинг ижро ҳокимиятини ривожлантириш жараёнидаги роли, ижро ҳокимияти тизимида

хукумат институтининг ислоҳ этилиши ва фаолиятининг такомиллашуви, шунингдек, демократик ислохотлар шароитида давлат ҳокимияти тизимида Президент конституциявий-ҳуқуқий мақомининг такомиллашуви, давлат бошқарувини модернизациялаш шароитида Вазирлар Маҳкамаси ваколатлари ва масъулияти кенгайиши билан боғлиқ масалалар тизимли равишда таҳлил этилган ва очиб берилган.

Бобнинг «Давлат ҳокимияти тизимида Президент лавозимининг таъсис этилиши ва конституциявий-ҳуқуқий мақомининг такомиллашуви»га бағишланган биринчи параграфда Ўзбекистонда Президент лавозими жорий этилишининг зарурати, мазкур институт таъсис этилишига сабаб бўлган омиллар ва шарт-шароитлар, унинг ўтиш давридаги аҳамияти ва босқичма-босқич ислохотлар натижасида Президент мақомининг такомиллашуви жараёни батафсил тадқиқ этилган. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Президент конституциявий-ҳуқуқий мақомининг такомиллашуви, масъулиятининг кенгайиши ва ваколатларининг тақсимоли билан боғлиқ муносабатлар тадқиқ этилиб, бундай шароитда давлат бошлиғининг ижро ҳокимиятидаги ўрни ва Ҳукумат билан муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари хусусида муаллифлик хулосалари баён этилган.

Параграф доирасида давлат ҳокимияти тизимида таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимининг аҳамияти, ушбу лавозим жорий этилишининг миллий давлатчиликни шакллантириш жараёнидаги ўрни ва роли кўрсатиб берилган. Шунингдек, тадқиқот жараёнида президентлик институтининг вужудга келишига сабаб бўлган шарт-шароитлар ва бу хусусида айрим олимларнинг (О. Ҳусанов, А. Раҳмонов, Ш. Аббосхўжаев) фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, уларга нисбатан илмий мунозарага киришилган ҳамда мазкур масала юзасидан муаллифлик хулосалари ишлаб чиқилган.

Президент лавозими таъсис этилишининг зарурати ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу масалаларга доир илмий ёндашувлар (М. Рустамбаев, И. Хамедов, А. Хошимхонов) тадқиқ этилган ҳолда мураккаб ўтиш даврида ушбу лавозим таъсис этилишининг аҳамияти ва зарурати ҳамда мустақиллик билан боғлиқ жиҳатлари ёритиб берилган. Шу билан бирга, президентлик институти жорий этилиши, ўтиш даврида айнан кучли президентлик ҳокимиятининг танланиши бугунги кунгача эришган ютуқларимиз билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ҳодиса эканлиги ҳақида хулосага келинган.

Шунингдек, параграфда ўтган аср 90-йиллари бошидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳуқуқий мақомини таҳлил этиш ва ёритиб бериш масаласига ҳам эътибор қаратилиб, бу хусусида бир қатор миллий ва хорижий олимларнинг (О. Ҳусанов, А. Саидов, Ф. Рахимов, А. Арутюнян, Э. Гаджи-Заде) билдирган фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган ва улар билан илмий баҳсга киришган ҳолда бу даврда Президент қўлида ҳам давлат бошлиғи, ҳам ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, ҳам олий бош қўмондон сифатидаги ваколатларнинг мужассамлашганлиги Ўзбекистон ўз бошидан кечирган мураккаб даврнинг талаби билан боғлиқлиги таъкидланган.

Параграф доирасида 2003 ва 2007 йилларда Конституция ва қонунчиликка ўзгартириш ва кўшимчаларнинг киритилиши натижасида Президент конституциявий-ҳуқуқий мақомининг такомиллашиши, шунингдек, мазкур ислохотларнинг Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазирнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатлари доирасига таъсири билан боғлиқ қатор масалалар ёритилган. Шу билан бирга, 2007 йилда Конституциянинг 89-моддасига киритилган ўзгартириш асосида Президентнинг янгича мазмунда касб этган конституциявий-ҳуқуқий мақоми хусусидаги қарашлар (А. Азизхўжаев, О. Ҳусанов, М. Ахмедшаева, Г. Маликова) таҳлили асосида ушбу масала юзасидан муаллифлик хулосаси илгари сурилган.

Тадқиқот жараёнида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш конценцияси» асосида мазкур соҳада Конституция ва қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва кўшимчалар таҳлил этилиб, Президентнинг ҳуқуқий мақоми, унинг давлат ҳокимияти тизимида, шу жумладан ижро ҳокимиятидаги ўрни ва ролига изоҳ берилган. Хусусан, Президентнинг янгича мазмундаги ҳуқуқий мақомининг мустаҳкамланиши унинг ижро ҳокимиятидаги мавқеи, ижро ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларига деярли таъсир қилмаганлиги таъкидланиб, бу хусусида адабиётларда учрайдиган илмий ёндашувлар (З. Исломов, И. Хамедов, М. Ахмедшаева, Г. Маликова, М. Бойдадаев, М. Мирақулов) атрофлича таҳлил этилган ва давлат бошлиғи де-юре ҳокимият тармоқларидан ҳеч бирига мансуб бўлмаса ҳам, де-факто ижро ҳокимияти фаолиятида жуда катта мавқега эга эканлиги ҳамда ушбу ҳокимият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириши ҳақидаги хулосага келинган.

Бобнинг иккинчи параграфи «*Давлат бошқарувини демократлаштириши шароитида Вазирлар Маҳкамасининг ислоҳ этилиши, ваколатлари ва масъулиятининг кенгайиши*» деб номланиб, унда президентлик институтининг шаклланиши жараёни билан ҳамоҳанг тарзда Ҳукумат тизими ва тузилмаларнинг қайта тузилиши ҳамда ҳуқуқий мақомининг такомиллашиши, Бош вазир лавозимининг жорий этилиши билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, параграфдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Вазирлар Маҳкамасининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни мустаҳкамланиши, ваколатларнинг кенгайиши ва масъулиятининг ортиши, Бош вазир ҳуқуқий мақомининг такомиллашиши ва ваколатларининг кенгайиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар батафсил таҳлил этилган ва очиб берилган.

1990 йили ҳукумат институтининг ислоҳ этилиши Президент лавозимининг жорий қилиниши билан боғлиқ ҳуқуқий ҳодиса эканлиги тадқиқот жараёнида кўрсатиб берилиб, бу соҳадаги ислохотларнинг зарурати хусусида муаллифлик хулосалари баён қилинган. Шунингдек, ўтиш даврида ҳукумат институтининг ҳуқуқий мақоми ва моҳияти хусусида билдирилган фикр-мулоҳазалар (З. Исломов, Х. Одилқориев, М. Ахмедшаева) таҳлил этилиб, уларга нисбатан илмий мунозарага киришилган ҳолда муаллифлик хулосаси илгари сурилган.

Юқорида қайд этилган 1990 йил 1 ноябрдаги Қонун асосида Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ташкил этилиши 90-йиллар бошидаги мураккаб шароитда кучли Президент ҳокимиятига асосланган ижро ҳокимиятини ўрнатиш зарурати билан боғлиқ эканлиги параграф доирасида кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, айти шу Қонун асосида Вице-Президент лавозимининг жорий қилиниши ва узоқ вақт ўтмай тугатилиши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ёритиб берилган.

Параграфда 1992 йилда мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1993 йил 6 майда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши ва уларда Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий мақоми, функция ва ваколатларининг мустаҳкамланиши таҳлил қилинган ҳамда ушбу даврдаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми кўрсатиб берилган.

Параграф доирасида 2003 йилда Конституция ва қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми такомиллашиб, ваколатлари доираси кенгайтирилганлиги, Бош вазир эса бундан буён Вазирлар Маҳкамаси Раисига хос бўлган функцияларни бажариши қонунчиликда белгилаб қўйилганлиги таъкидланган. 2007 йилги қонунчиликдаги янгиликлар эса Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазирнинг ҳуқуқий мақомини ўзида акс эттирган нормаларга де-юре таъсир қилмаган бўлса-да, Президент мақомининг такомиллашуви де-факто Ҳукумат ва Бош вазирнинг давлат ҳокимиятидаги ўрни ва мавқеига таъсир ўтказганлиги ҳақида хулосага келинган ҳамда бунга асос қилиб Конституциянинг 89-моддасидаги Президент ижро ҳокимиятини бошлиғи эканлиги ҳақидаги қоида бекор қилиниши ижро ҳокимияти бошлиғига хос вазифаларни амалга оширадиган шахсга ёки органга эҳтиёж туғдириши қайд этилган.

Тадқиқот жараёнида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига доир Конституция ва қонунчиликка 2011 ва 2014 йилларда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, хусусан, ислохотлар натижасида Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазир фаолияти билан боғлиқ янги институтларнинг жорий қилинишига доир масалалар батафсил таҳлил этилган ҳамда бу юзасидан қатор хулосалар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, мазкур ислохотлар шароитида Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақомини очиб беришга ҳаракат қилиниб, айрим олимларнинг (Х. Одилқориев, М. Ахмедшаева, А. Рахмонов, Қ. Матқаримов, Р. Ҳакимов, А. Хошимхонов, Г. Алимов) бу хусусда билдирган фикр-мулоҳазалари таҳлил этилган ва улар билан илмий мунозарага киришган ҳолда ушбу масала юзасидан муаллифлик хулосалари баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш ва истеъфоси жараёнидаги иштироки» деб номланиб, унда Бош вазирни тасдиқлаш жараёнида Президент иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириш жараёнида давлат бошлиғининг роли ва мавқеи ҳамда Ҳукуматнинг истеъфога чиқиши жараёнида Президент

иштирокининг ҳуқуқий механизмлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган, уларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бобнинг «*Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириш жараёнида Президент иштирокининг таъкилий-ҳуқуқий асослари*» деб номланган биринчи параграфда хорижий мамлакатларда ҳукумат раҳбарини тайинлаш тартибининг моделлари, мазкур жараёнда давлат бошлиғининг иштироки ўзига хосликлари, Ўзбекистонда Бош вазирни тасдиқлаш жараёнида Президентнинг иштироки, Ҳукумат аъзоларини шакллантириш жараёнида давлат бошлиғининг роли қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ва бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ҳамда амалий хулосалар илгари сурилган.

Тадқиқот жараёнида ҳукуматни шакллантиришда давлат бошлиғининг иштироки хусусида айрим хориж олимлари (К. Сафинов, В. Суворов, Л. Окуньков) қарашларининг таҳлили ва уларга нисбатан илмий баҳс-мунозаралар натижасида президентнинг ижро ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнидаги иштирокининг моҳияти ва аҳамияти кўрсатиб берилган. Шунингдек, хорижий мамлакатларда ҳукуматни шакллантириш уч шаклда – нопарламентар, ярим парламентар, парламентар шаклларда амалга оширилиши ҳамда ушбу жараёнда давлат бошлиғи иштирокининг кўлами давлат бошқаруви шаклига боғлиқ бўлиши таъкидланган.

Параграф доирасида бир қатор хорижий мамлакатларда (Албания, Болгария, Македония, Молдова, Хорватия, Греция, Ирландия, Португалия, Туркия, Украина, Финляндия, Австрия, Жанубий Корея, Франция, Латвия, Исландия, Италия, Польша, Чехия, Эстония, Венгрия, Германия, Руминия, Словения, Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Россия, Арманистон, Тожикистон) ҳукуматни шакллантиришда президент иштирокининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили натижасида мазкур жараённинг бир қанча моделлари мавжудлиги қайд этилган.

Параграфда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тасдиқлаш жараёнини батафсил таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган. Ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларнинг тадқиқоти натижасида: *биринчидан*, сайловда ғолиб чиққан сиёсий партиянинг Бош вазир номзоди юзасидан таклифи Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириш жараёнининг дастлабки нуқтаси ва зарурий шартидир; *иккинчидан*, Бош вазир номзоди айнан сайловларда ғалаба қозонган сиёсий партия аъзоси ёки етакчиси бўлиши лозимлиги қонунчиликда мустаҳкамланмаган; *учинчидан*, бу жараёнда Президент сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзодни Ўзбекистон халқининг манфаатларини инобатга олган ҳолда кўриб чиқади ва унинг бу лавозимга лойиқ ёки нолойиқ эканлигига холис баҳо беради; *тўртинчидан*, номзод Президентнинг назарида Бош вазир лавозимига лойиқ бўлмаса, давлат бошлиғи уни Олий Мажлис палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун киритмасдан, бошқа номзод кўрсатилишини талаб этиши мумкинлиги Конституцияга зид эмас, деган хулосалар илгари сурилган.

Шу билан бирга, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёни мураккаб, бир-бирини тақозо этувчи босқичларни ўз ичига қамраб олганлиги алоҳида қайд этилиб, ушбу масала юзасидан миллий қонунчиликда айрим мунозарали ҳолатлар ва номувофикликлар мавжудлиги аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш, мазкур ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш ва шу орқали уларни бир тизимга келтириш мақсадида амалий хулосалар ва қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот доирасида Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириш жараёни шартли равишда икки босқичдан иборат эканлиги, Ҳукумат аъзоларини тасдиқлаш мазкур жараённинг яқунловчи босқичи ҳисобланиши ва унда ҳам Президентнинг иштироки ҳал қилувчи мавқега эгалиги таъкидланган ҳамда бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларнинг таҳлили натижасида: *биринчидан*, Ҳукумат таркибини шакллантиришда Бош вазирнинг таклифи (тақдими) асосий шарт бўлиб, мазкур таклиф асосидагина Президент унинг таркибини тасдиқлаши мақсадга мувофиқлиги; *иккинчидан*, бу қоида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари лавозимига Бош вазир томонидан тақдим этилган номзодларнинг давлат бошлиғи томонидан рад этилган тақдирда ҳам янги номзод айнан у томонидан киритилишини тақозо этиши; *учинчидан*, Бош вазир парламент томонидан тасдиқланса-да, Ҳукумат таркиби Президент фармони билан тасдиқланмагунча де-юре янги Вазирлар Маҳкамаси таркиби ўз фаолиятини бошлай олмаслиги, яъни давлат бошлиғининг фармони Ҳукуматга легитимлик бахш этиши ҳақида хулосага келинган.

Параграф доирасида қонунчилиги ва тажрибаси тадқиқ этилган давлатларнинг аксариятида (Германия, Венгрия, Греция, Португалия, Туркия, Финляндия, Чехия, Руминия, Италия, Австрия, Ирландия, Франция, Албания, Арманистон, Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Ҳиндистон, Жанубий Корея) ҳукумат таркиби Ўзбекистон Республикасидаги сингари унинг раҳбари тақдими (таклифи)га биноан давлат бошлиғи томонидан тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши ёритиб берилган. Шунингдек, ҳукумат таркибини шакллантиришнинг мазкур тартиби хусусида бир катор олимларнинг (Л. Окуньков, И. Гелиева, И. Марино, В. Суворов) фикр-мулоҳазалари таҳлил этилиб, улар билан илмий баҳсга киришилган ҳолда ушбу масала юзасидан муаллифлик хулосаси илгари сурилган. Шу билан бирга, тадқиқот натижасида Вазирлар Маҳкамаси таркибини шакллантириш жараёнини такомиллаштириш, Ҳукумат аъзоларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги асосланрилиб, қонунчиликка айрим ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Бобнинг иккинчи параграфи «*Вазирлар Маҳкамасининг истеъфоси жараёнида Президент иштирокисининг ҳуқуқий механизмлари*» деб номланиб, унда ҳукумат истеъфоси ва ҳукумат жавобгарлигининг назарий-ҳуқуқий масалалари тадқиқ этилган, Вазирлар Маҳкамасининг истеъфоси жараёнида Президент иштироки билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлари киёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳамда мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар мажмуи ишлаб чиқилган.

Параграф доирасида истеъфо институти билан боғлиқ масалаларни ўрганган олимларнинг (Г. Кильдина, С. Автономов, С. Авакьян) фикр-мулоҳазалари таҳлили асосида ушбу институтнинг ўзида мужассамлаштирган жиҳатлари кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларнинг тадқиқоти натижасида истеъфо қуйидаги аломатларни ўзида мужассамлаштириши аниқланган: *биринчидан*, истеъфо аксарият ҳолларда ижро ҳокимияти тизимида қўлланилади; *иккинчидан*, истеъфо давлат органи (аксарият ҳолларда коллегиял) ва унинг мансабдор шахсига нисбатан қўлланилади; *учинчидан*, истеъфо ихтиёрий ва мажбурий шаклда бўлади; *тўртинчидан*, истеъфо давлат органи ёки мансабдор шахс ваколатларининг тугатилишига олиб келади. Параграфда ҳукумат истеъфосининг назарий-ҳуқуқий таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, «ҳукумат истеъфоси» ва «ҳукумат жавобгарлиги» ўзаро боғлиқ тушунчалар эканлиги қайд этилган ҳамда ҳукумат жавобгарлигининг моҳияти кўрсатиб берилган.

Ҳукумат истеъфоси жараёнининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили натижасида аксарият хорижий давлатларда унинг истеъфосига деярли бир хил омиллар (айрим ўзига хосликларни инобатга олмаганда) сабаб бўлиши хусусида хулосага келинган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси истеъфоси билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар шу омиллар кесимида ўрганилган ва ёритиб берилган. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис ва Президент олдида жавобгар эканлигини инобатга олган ҳолда, унинг истеъфога чиқишида ҳам мазкур субъектлар фаол иштирок этишини кўрсатди. Бироқ, Ҳукуматнинг истеъфоси билан боғлиқ жараёнларда давлат бошлиғининг иштироки вакиллик органи иштирокига нисбатан фаол ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, параграф доирасида бу соҳада қонунчиликда айрим мунозарали масалалар мавжудлиги қайд этилиб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг истеъфосига сабаб бўлувчи омиллардан бири сифатида «ишончсизлик вотуми» институтининг батафсил тадқиқотига алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу институт билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш бўйича амалий хулосалар илгари сурилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимиятини амалга оширишда Президент ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатлари**» деб номланиб, у Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида Президент иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий шакллари, Президент ва Бош вазир муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳамда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида Президент ва Ҳукуматнинг ўзаро муносабатлари каби масалалар тадқиқотига бағишланган, унда ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Бобнинг биринчи параграфи «*Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида Президент иштирокининг конституциявий-ҳуқуқий шакллари*»га бағишланган. Унда давлат бошлиғи ва ҳукумат муносабатларининг назарий-ҳуқуқий масалалари тадқиқ этилган, Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш

хукуқининг ўзига хос жиҳатлари ва амалга оширилиш механизмлари, шунингдек, давлат бошлиғининг Ҳукумат фаолиятидаги иштироки билан боғлиқ хукуқий муносабатлар қиёсий-хукуқий таҳлил қилинган ва бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилган.

Параграф доирасида давлат ҳокимияти тизимида давлат бошлиғи ва ижро ҳокимияти олий органи муносабатлари хусусидаги қарашлар (А. Черкасов, В. Суворов, Д. Виголовский) таҳлил этилиб, ушбу муносабатларнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Шу билан бирга, тадқиқотлар натижасида президент ва ҳукуматнинг асосан бир соҳада фаолият юритиши ҳамда етакчилик аксарият ҳолларда давлат бошлиғига тегишли бўлиши таъкидланган. Бу хусусда қатор олимларнинг (Э. Гаджи-Заде, Л. Окуньков М. Ахмедшаева) фикр-мулоҳазалари ҳам ўрганилиб, улар билан илмий баҳсга киришилган ҳолда мазкур муносабатларнинг аҳамияти кўрсатиб берилган ва бу шаклдаги муносабатлар ижро ҳокимиятининг ягоналигини сақлаб қолиб, давлат бошлиғи ва ҳукумат ўртасида соҳавий ва функционал жиҳатдан ваколатлар ҳамда вазифаларнинг тақсимланишига қаратилганлиги қайд этилган.

Шунингдек, Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилиш ҳукуқини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган, давлат бошлиғининг Ҳукумат қарорларига имзо чекиш ҳукуқи, Вазирлар Маҳкамасининг давлат бошлиғи олдидаги жавобгарлиги, улар ўртасида қонунчилик жараёнидаги ўзаро муносабатлар атрофлича таҳлил қилинган. Ушбу масалалар таҳлили натижасида қонунчиликда давлат бошлиғининг Ҳукумат мажлисларини чақириш ҳукуқини мустаҳкамлаш, у раислик қилган Ҳукумат мажлиси кун тартибидаги масалалар юзасидан тайёрланган қарорлар лойиҳаларининг расмийлаштирилиш масаласига ойдинлик киритиш ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонунга «Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан муносабатлари», деб номланган алоҳида модда¹ киритиш лозимлиги ҳақида хулосага келинган.

Шу билан бирга, тадқиқот доирасида вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ва тугатиш жараёнида Президент, Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис муносабатлари ўрганилган, ушбу органларни тузиш ва тугатиш тўғрисида Президент фармони лойиҳасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган ҳамда мазкур жараёни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ва тугатиш масала бўйича тегишли ҳужжатларни «пакет тамойили» асосида ишлаб чиқиш ва киритиш тартибини Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 32²-бандида белгилаш, шунингдек, давлат бошқаруви органларини тузиш ва тугатиш юзасидан Президент фармонлари парламент томонидан тасдиқланмаслигининг хукуқий оқибатларини қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келинган.

Параграф доирасида Президент фармон, қарор ва фармойишлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва келишиш жараёнида Вазирлар

¹ Ушбу модданинг матни диссертациянинг илова қисмида келтирилган.

Маҳкамаси, унинг таркибий бўлинмалари, мутасадди давлат бошқарув органлари фаол иштирок этиши батафсил кўрсатиб берилган ҳамда мазкур жараёни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Регламентининг 20-бандида «paket тамойили»га оид қондани киритиш таклифи илгари сурилган.

Ҳукумат қарорлари ва фармойишларини ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби таҳлиliga ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликда айрим бўшлиқларнинг мавжудлиги ва айрим масалаларнинг батафсил тартибга солинмаганлиги аниқланиб, бу хусусида қонунчиликка бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

Параграф якунида Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш ҳуқуқига доир масалалар назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган, давлат бошлиғининг мазкур ҳуқуқи билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тадқиқ этган олимларнинг (В. Чиркин, М. Аҳмедшаева, К. Бобылёва, И.Гелиева В. Суворов, И. Филиппов) фикр-мулоҳазалари ўрганилган ва улар билан илмий мунозарага киришилган ҳолда давлат бошлиғининг Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш ҳуқуқи ушбу ҳужжатларнинг конституциявийлиги, қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш воситаси вазифасини ўташи, бироқ бу унинг деярли фойдаланилмайдиган – «уйқуда ётган» ҳуқуқларидан ҳисобланиши қайд этилган. Шу билан бирга, адабиётларда учрайдиган айрим таъкидларга (А. Шеян, Н. Колосова, В. Лучин) қарамасдан, ҳукумат ҳужжатларининг бекор қилиниши ўзида унга нисбатан тўғридан-тўғри конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни акс эттирмаслиги ҳақида хулосага келинган.

Бобнинг «*Давлат ҳокимияти тизимида Президент ва Бош вазир муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий асослари*» деб номланган иккинчи параграфиди давлат бошлиғи ва ҳукумат раҳбарининг ижро ҳокимияти тизимида мансабдор шахсларни тайинлаш ва лавозимидан озод этишдаги муносабатлари, Бош вазирнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Ҳукумат раҳбарининг давлат бошлиғи топшириқ ва кўрсатмаларини бажариши ва унинг давлат бошлиғи олдида ҳисобдорлиги билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқий муносабатлар таҳлил қилинган бўлиб, бу соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот жараёнида маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби хориж давлатлари тажрибаси билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган, ҳокимларни (вилоятлар ва Тошкент шаҳар) тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартибига доир миллий қонунчиликдаги айрим қоидаларни Конституцияда назарда тутилган қоидаларга мослаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси девони асосий таркибий бўлинмалари раҳбарларини шакллантириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ҳам таҳлил қилиниб, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасида назарда тутилган «Вазирлар Маҳкамасининг девони асосий таркибий бўлинмалари» иборасига қонунчиликда аниқлик киритиш лозимлиги қайд этилган. Шу билан бирга, параграф доирасида

